

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЖУМАНОВ ДАУЛЕТ АЗАТБЕК ЎҒЛИ

**БУРУН ВА ЁНДОШ БЎШЛИҚЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
ПАСТКИ НАФАС ЙЎЛЛАРИГА АСОРАТЛАНИШЛАРИНИ ЭРТА
ТАШХИСЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Жуманов Даулет Азатбек ўғли

Бурун ва ёндош бўшлиқлари касалликларининг пастки нафас йўлларига асоратланишларини эрта ташхислаш ва профилактикаси..... 3

Жуманов Даулет Азатбек угли

Ранняя диагностика и профилактика осложнений нижних дыхательных путей при заболеваниях носа и околоносовых пазух 41

Jumanov Daulet Azatbek ugli

Early diagnosis and prevention of complications of the lower respiratory tract in diseases of the nose and paranasal sinuses 80

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 85

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЖУМАНОВ ДАУЛЕТ АЗАТБЕК ЎҒЛИ

**БУРУН ВА ЁНДОШ БЎШЛИҚЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
ПАСТКИ НАФАС ЙЎЛЛАРИГА АСОРАТЛАНИШЛАРИНИ ЭРТА
ТАШХИСЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib842 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsdі.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бакиева Шахло Хамидуллаевна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Рязанцев Сергей Валентинович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Санк-Петербург, Россия) Шамсиев Джахангир Фазлиддинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	А.Алиев номидаги врачлар малакасини ошириш институти (Баку, Азарбайжон)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-65; факс: (+99871)230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-65; факс: (+99871)230-47-99.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси)

Н.К.Хайдаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Абдуқаюмов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... йил давомида аллергик ринит билан оғриган беморларнинг 20-50%да бронхиал астма симптомлари мавжуд бўлади. Сурункали риносинусит билан касалланган беморларнинг 60% га яқинида ёндош бронх-ўпка патологияси кузатилади...»¹. Қатор хорижлик муаллифларнинг келтирган маълумотларда сурункали риносинуситлар билан оғриган беморлар сони ҳар йили 1,5%-2% га ошади ҳамда стационар даволанаётган беморларнинг 2/3 қисмини ташкил қилади. Замонавий даволаш усулларини қўлланилишига қарамай риносинуситларнинг узоқ чўзилувчи ва қайталанувчи шакллари, касалликни ноодатий кечиш ҳолатларининг кўпайиши кузатилмоқда. Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида пневмония билан касалланиш ҳар 1000 кишига 5-10 тани ташкил қилади, бутун жаҳонда эса йилига 17 миллион киши пневмония билан касалланади. Пневмониянинг клиник оғир кечиш шаклларида 10% ҳолатларда ўлим ҳолатлари кузатилади. Айниқса ёш болалар, ёши катта беморлар ҳамда кўшма касалликлари мавжуд беморларда пневмония касаллигидан ўлим ҳолатлари кўплаб учрайди. Шу билан бир қаторда 3 ёшгача бўлган болаларда риносинуситлар 94,7% ҳолатларда асоратланишлар билан кечади ва деярли 50% ида пневмония билан бирга кузатилади.

Жаҳонда касалхонадан ташқари пневмония касаллигини ривожланиши ва клиник кечишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини тасдиқловчи қатор ишончли клиник ва эпидемиологик тадқиқотлар мавжуд бўлса ҳам, бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари сурункали яллиғланиш касалликларининг аҳамияти етарли даражада ҳанузгача аниқланмасдан қолмоқда. Бу борада касалхонадан ташқари пневмония касаллигида бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликларининг тарқалганлигини аниқлаш, риносинуситларнинг турлари ва уларнинг бурун ёндош бўшлиқларида учраш нисбатларини ўрганиш, юқори ва пастки нафас йўллари тизимидаги қиёсий микробиологик тадқиқотларида мутаносибликларни исботлаш, сурункали риносинуситларнинг касалхонадан ташқари пневмония клиник кечимига таъсирини тасдиқлаш, касалхонадан ташқари пневмонияни даволаш ва қайталанишида бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланиш касалликлари аҳамияти – илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Буларнинг барчаси касалхонадан ташқари пневмониянинг кенг тарқалганлиги ва касалланишнинг пасайишга тенденцияси йўқлиги сабабли муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқори ҳамда пастки нафас олиш тизими касалликларини тарқалишини олдини олиш ва уларда кузатилиши мумкин бўлган асоратларини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026

¹ЖССТнинг ташкилотининг йиллик ҳисоботлари

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сурункали риносинуситни эрта ташхислашни мукамаллаштириш орқали касалликни эрта босқичда ташхислаш ва самарали даволашни амалга ошириш, шу билан пастки нафас йўлларига асоратланишларини олдини олиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш йўналишида илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари оториноларингологияда энг кўп учрайдиган патологиялар қаторига киради, бу замонавий экологик вазият, аллергия ва вирусли респиратор касалликларнинг кенг тарқалиши, маҳаллий ва умумий иммунитетнинг пасайиши билан боғлиқ. Барча тадқиқотчилар сўнгги йилларда дунёда сурункали риносинусит касаллигининг кўпайиб бораётганлигига қўшиладилар (D.D. de Loos, E.S. Laurijsen, D.J. Wolvers, W.J. Fokkens, 2020). Шунингдек, касалхонадан ташқари пневмония касаллиги типик кечиши билан бир қаторда, атипик пневмониялар кўпайиши, ушбу касалликнинг оғир кечиш ҳолатларининг кузатилиши, бу эса ўз навбатида ўлим кўрсаткичининг кескин тарзда кўпайишига сабаб бўлмоқда (N. Ishimaru, S. Suzuki, T. Shimokawa, Yu. Akashi, Yu. Takeuchi, 2021).

Юқори ва пастки нафас йўлларининг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда аллергия ринитлар, сурункали риносинуситлар ва бронхиал астма касалликлари бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Шунингдек сурункали риносинуситлар, сурункали обструктив бронхит (Г.Е.Дженжер, А.С.Лапатин, С.И.Овчаренко, 2010) ва касалхона ичи пневмонияси (И.С.Абдуллаев, А.И.Крюков, 2008) каби коморбид кечган патологиялар ўртасидаги боғлиқлик бўйича илмий ишлар олиб борилган. Бироқ, сурункали риносинуситлар касалхонадан ташқари пневмонияли беморларда учраши, уларни ушбу касаллик клиник кечишига таъсири, комплекс ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган. Жуда оз сонли хорижий нашрларда касалхонадан ташқари пневмония билан оғриган беморларнинг 40%-80%да бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари томонидан ҳам шикоятлар бўлиши аниқлангани тўғрисида маълумотлар кўрсатилган.

Ўзбекистонда 1965 йил (А.И.Мўминов) бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликларининг ўпканинг сурункали йирингли носпецифик жараёнлари билан боғлиқлиги мавзусида илмий тадқиқот иши ўтказилган, натижада юқори ва пастки нафас йўллари патологиялари ўртасида ўзаро этиопатогенетик боғлиқлик мавжудлигини исботлаган. Бироқ, сўнги йилларда ушбу касалликларнинг миқдори ва асоратларининг кескин кўпайганлигига қарамадан ушбу йўналишда ўтказилган илмий тадқиқот ишлари етарли эмас.

Шундай қилиб, замонавий адабиётларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари ҳамда касалхонадан ташқари пневмония касаллиги ўртасидаги алоқалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Касалхонадан ташқари пневмониянинг ривожланиши ва уларни даволашдаги паст самарадорликнинг сабабларидан бири - бу юқори нафас йўллариининг ёндош патологиялари ва ушбу тоифа беморлардаги микробли манзаранинг ўзига хос хусусиятлари бўйича маълумотларнинг етишмаслигидир. Буларнинг барчаси ушбу йўналишда илмий тадқиқотни ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01997390385 «Асосий оториноларингологик касалликларнинг ташхислаш, даволаш ва оқилона олдини олиш усуллариининг янги йўллариини излаш» (2017-2021йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касалхонадан ташқари пневмонияли беморларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш усуллариини оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касалхонадан ташқари пневмонияли беморларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланиш касалликларининг тарқалганлигини таҳлил қилиш;

касалхонадан ташқари пневмонияли беморларда 3D рентгенография ёрдамида бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланиш касалликларини аниқлаш;

касалхонадан ташқари пневмония кўшма сурункали риносинуситли беморларда юқори ва пастки нафас йўллариининг микробли манзараси табиатини солиштирма баҳолаш ўтказиш;

касалхонадан ташқари пневмония билан бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланиш паталогиялари орасида касалликларнинг клиник кечиши бўйича ўзаро боғлиқликни баҳолаш;

касалхонадан ташқари пневмонияли беморларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланиш касалликларини комплекс ташхислаш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2021 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида касалхонадан ташқари пневмония ташхиси билан даволанган 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 102 нафар (61 аёл ва 41 эркак) беморлар ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети илмий тадқиқотлар асосида текширилган беморларнинг микробиологик ва ПЗР учун бурун ва бурун-ҳалқум шиллик қавати суртмалари, балғам, қоннинг умумий таҳлили учун периферик веноз қон.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, эндоскопик, радиологик-3D рентгенография, микробиологик, ПЗР текшируви ҳамда статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор касалхонадан ташқари пневмонияли беморларнинг аксариятида 3D рентгенография (КНКТ) текшируви натижасида бурун ёндош бўшлиқлари сурункали яллиғланиш касалликлари клиник симптомларининг кам ифодаланган ёки латент ҳолда биргаликда учраши аниқланган;

сурункали этмоидит ва сфеноидитларнинг пастки нафас йўлларига таъсири сабабли касалхонадан ташқари пневмониянинг сурункали шаклга ўтиши ва қайталанишида асосий этиологик омиллардан эканлиги тасдиқланган;

илк бор касалхонадан ташқари пневмониянинг сурункали риносинусит билан бирга кечган беморларда юқори ва пастки нафас йўллари ажралмалари қиёсий микробиологик текширувлари ўтказилиб, замонавий антибиотикларга сезгирлиги аниқланган;

илк бор касалхонадан ташқари пневмония ва сурункали риносинуситли беморларда ПЗР текшируви натижасига кўра *streptococcus pneumoniae* касаллик ривожланишининг асосий кўзғатувчиси эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

касалхонадан ташқари пневмония билан оғриган беморларни кенг камровли текшириш натижасида бурун ва бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиш паталогияси 60,8% ҳолларда кузатилган, яъни ушбу касаллик билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш тадбирлари мажмуасида оториноларинголог маслаҳати зарурлиги аниқланган;

касалхонадан ташқари пневмониянинг ривожланиши, сурункали кечиши ва қайталанишини олдини олиш мақсадида бурун ёндош бўшлиқлари 3D рентгенографиясини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган;

касалхонадан ташқари пневмония билан оғриган беморлар бурун ва бурун-ҳалқум суртмаси ҳамда балғамида деярли бир хил микробли манзара

аниқланган. Шу билан бир қаторда асосий патоген микрофлораларнинг замонавий антибактериал препаратларга сезгирлиги аниқланган;

касалхонадан ташқари пневмониянинг эрта ташхислашда ва асосли даволаш ўтказишда бурун ва бурун-ҳалқум суртмасини микробиологик экмасига қўшимча тарзда ПЗР усулда текширув ўтказиш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, эндоскопик, рентгенологик, микробиологик ҳамда статистик тадқиқот усулларида ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларининг самарасини оширишни асослаш натижасида халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган хулосалар ва таклифлар сурункали риносинусит билан касалланган беморларда пастки нафас йўлларида асоратланишини эрта ташхислашда касалликнинг клиник-функционал, эндоскопик, микробиологик, рентгенологик текширув усуллари, ўзига хос хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшиши илмий исботланган, шунингдек, ташхислаш ва даволашнинг самарали алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган ташхислаш ва даволаш алгоритми даволаш тактикасини татбиқ қилиш сифатини оширади ҳамда тааллуқли равишда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали риносинуситларнинг пастки нафас йўлларида асоратланишини эрта ташхислашда клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг аҳамияти ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пастки нафас йўллари касалликларида сурункали ринсинуситларнинг ташхислаш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Касалхонадан ташқари пневмолияли беморларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликларини эрта ташхислаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 апрелдаги 8н-р/307-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада пастки нафас йўллари касалликлари бўлган беморларда сурункали риносинусит касалликни ташхислаш, беморларни кузатиш орқали беморларнинг хасталик туфайли асоратларини олдини олиш имконини берган;

пастки нафас йўллари касалликларида сурункали ринсинуситларнинг даволаш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Касалхонадан ташқари пневмонияли беморларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланиш касалликларини даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг 2021 йил 12 апрелдаги 8н-р/306-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома пастки нафас йўллари касалликлари бўлган беморларда сурункали риносинусит касаллигини даволаш самарадорлигини ошириш, касалликни асоратланишини олдини олиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган;

пастки нафас йўллари касалликларида сурункали риносинуситларни ташхислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонаси оторинолорингология бўлими, EraMed шифохонаси, InViVo шифохоналари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 07 августдаги 8н-д/271–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши пастки нафас йўллари касалликларида сурункали риносинусит касаллиги бўлган беморларда даволаш самарадорлигини ошириш, беморларнинг умр кўриш даврийлигини узайтириш, даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ижобий даволаш самарадорлигини ошириш ва профилактикаси ҳамда шу орқали ушбу хасталиқни қайталанишини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг мушоҳадаси келтирилган. Пастки нафас йўллари касалликларида сурункали риносинусит (СРС) касаллигини муаммоларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар,

касалликнинг этиологияси, патогенези, дифференциал ташхисоти, клиник белгиларининг тавсифини оториноларингологик амалиётдаги аҳамияти, ташхислаш, замонавий даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Беморларнинг умумий характеристикаси ва текширув усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг пульмонология бўлимида 2018-2021 йилларда касалхонадан ташқари пневмония ташхиси билан стационар даволанган 102 нафар бемор текшируви натижалари келтирилган. Беморларнинг касаллик тарихи ва текшириш натижалари ўрганилган. Тадқиқотга беморларни қамраб олиш мезонлари: тадқиқотда иштирок этиш учун ахборот-розилик варағини имзолаган 18 ёшдан 60 ёшгача, ҳар икки жинсдаги, клиник симптомлар ва кўкрак қафаси рентгенографияси ёки МСКТси маълумотлари асосида касалхонадан ташқари пневмония (КТП) ташхиси қўйилган шахслар. Тадқиқотга беморларни киритмаслик мезонлари: беморнинг тадқиқот процедураси бўйича кўрсатмаларини етарли даражада англай олмаслиги; хавфли, ўткир юқумли касалликлар, онкологик касалликлар, оғир қон касалликлари, бронхоэктаз, бронхиал астманинг инфекциян-аллергик шакли, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд бўлган беморлар. Беморни чиқариб ташлаш мезонлари: даволаш режимининг бузилиши ва келгусидаги тадқиқот муолажаларини рад этиш.

Беморларнинг ёши 18 ёшдан 60 ёшгача (ўртача $39,1 \pm 1,14$ ёш) бўлиб, эркекларнинг ўртача ёши - $34,1 \pm 2,7$ ёшни, аёллар - $40,1 \pm 2,9$ ёшни ташкил этди (1-расм). Жинс бўйича тақсимот: аёллар – 61 нафар (59,8%), эркеклар - 41 нафар (40,2%).



1-расм. КТП билан касалланган беморларни жинси ва ёшига қараб тақсимлаш (n=102)

Кузатувимиздаги беморлардан олинган маълумотларга кўра, КТП 1,5:1 нисбатда эркекларга қараганда аёлларда кўпроқ учрайди. Шунинг билан таъкидлаш керакки, БЖССТ нинг ёш бўйича таснифига асосан 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган беморлар энг кўп сонли беморлар эканлиги аниқланди, аксарият, яъни 75 нафар бемор энг ишга лаёқатли ёшда, бу 73,5% ни ташкил қилади. Олинган демографик маълумотлар халқаро статистик маълумотларга мос келади.

КТП оғирлик даражаларига кўра беморлар “катта ёшли беморларда касалхонадан ташқари пневмониянинг диагностикаси, даволаши ва

профилактикаси” (2015) деб номланган амалий тавсияномасига асосан тақсимланди. Беморларнинг КТП клиник кечиши бўйича тақсимланиши 1-жадвалларда қайд қилинган.


1-жадвал

КТП клиник кечиши бўйича тақсимланиши

Касаллик босқичи	Беморлар	%
I - ўртача	81	79,4
II - оғир	21	20,6
Жами	102	100

Беморларнинг барчаси стационар даво муолажаларини олганлиги ва амбулатор беморларнинг тадқиқотга киритилмаганлиги сабабли клиник енгил даражадаги КТП билан беморлар аниқланмади. Оғир клиник даражадаги аксарият беморлар нафас етишмовчилиги сабабли зудлик билан жонлантириш бўлимга қабул қилинган ва умумий аҳволи яхшилангач пульмонология бўлимига ўтказилган.

Барча беморларнинг бурун бўшлиғи эндоскопияси натижасида 31 нафар (30,4%) беморда бурун тўсиғининг қийшайиши (БТҚ), 23 нафар (22,5%) беморда вазоматор ринит, 11 нафар (10,8%) беморда пастки бурун чиганоғи гипертрофияси, 2 нафар (1,9%) беморда *concha bullosa* ва илгаксимон ўсиқ гипертрофияси, шунингдек 1 нафар (0,9%) беморда бурун бўшлиғи шиллик қаватининг полипоз ўзгарганлиги кузатилди (2-расм).



2-расм. Бурун бўшлиғи эндоскопияси натижалари

102 та беморнинг 62 тасида БЁБлари 3D рентгенографияси – конус-нурли компьютер томография (КНКТ) ўтказилди. БЁБдаги рентгенологик ўзгаришлар: шиллик қават 5 мм дан ортиқ қалинлашганда белгиланди. 32 та (51,6%) беморда рентгенологик ўзгаришлар аниқланди. 2 нафар беморда барча БЁБ пневматизациясининг субтотал ва тотал пасайиши яъни пансинусит, 3 нафар беморда ўнг ва чап томонлама гемисинусит, 4 нафар беморда - ўнг томонлама гайморэтомидит, 7 нафар беморда - чап томонлама

гайморозтмоидит аниқланди, 2 нафар беморда икки томонлама гаймарозтмоидит кузатилган бўлса, 10 нафар беморда беморда мос равишда этмоидит ва этмоидосфеноидит, 4 нафар беморда сфеноидит учради.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот натижасида беморларнинг уч гуруҳи шаклланди:

1-гуруҳ. “Клиник ўртача-оғир/оғир даражали СРС” ташхиси қўйилган 32 нафар бемор. СРС нинг оғирлик даражасини аниқлаш учун асос – визуал аналог шкала (ВАШ) дан фойдаланган ҳолда беморлар ўз ҳолатларини мустақил баҳолаш, шунингдек БЁБлари 3D рентгенографияси (КНКТ) натижаларига асосланди.

2-гуруҳ. “Клиник енгил даражали СРС” ташхиси қўйилган 30 нафар бемор. СРС ташхиси клиник симптомларга асосланиб қўйилди. СРСнинг клиник оғирлик даражасини аниқлаш учун асос бўлиб, ВАШ ёрдамида беморлар ўз ҳолатини ўзи мустақил баҳолаши бўлди.

3-гуруҳ. 40 нафар беморда СРСнинг клиник белгилари аниқланмади.

СРСнинг барча клиник оғирлик даражалари аксарият ҳолларда КТПнинг ўрта оғирликда кечишида кузатилди. Шу билан бир қаторда беморларда СРСнинг ўрта оғир ва оғир даражада кечиш ҳолатларида енгил даражали клиник шаклига қараганда КТП клиник симптомларининг чўзилувчан кечиши яъни касалликдан соғайиш муддати узайганлиги кузатилди.

СРС ва КТПнинг клиник оғирлик даражасига кўра беморларнинг тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

СРС ва КТП кечишининг клиник оғирлик даражалари асосида беморларнинг тақсимланиши

КТПнинг клиник оғирлик даражаси	СРСнинг клиник оғирлик даражаси		СРС аниқланмади
	Ўрта-оғир/оғир	Енгил	
Ўрта оғир	29	24	31
Оғир	3	6	9
Жами:	32	30	40

Барча гуруҳ беморларда касалликнинг ўткир ҳолатда (1-2 ҳафтада) бошланиши 90 нафар (88,2%) беморларда кузатилиб, аксарият ҳолатларда биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларда ўтказган шамоллашлари ва томоқ оғриқларидан сўнг бошланган бўлса, учинчи гуруҳ беморларда совуқ қотиш, совуқ сувда чўмилиш каби ҳолатлардан сўнг касаллик пайдо бўлган. Касалликнинг ўткир ости ҳолатда бошланиши 12 нафар (11,8%) беморда учради.

КТП касаллиги ривожланишида асосий хавф омили бўлиб 1- ва 2-гуруҳ беморларда ЎРК (75,8%) ҳисобланган бўлса, 3-гуруҳ беморларда совуқ қотиш

(55,0%) яъни совуқ сувда чўмилиш, совуқда ёки зах жойда ишлаш кабилар билан бир қаторда аксарият беморлар (30,0%) касаллигини ҳеч нарса билан этиологик боғламадилар. КТП асосан ЎРК касалликлардан сўнг ривожланишини инобатга олган ҳолда БЁБларида сурункали яллиғланиш касалликларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

КТП билан беморлар биринчи марта азият чекиши 97 нафар (95%) беморда аниқланди. Касалликнинг қайта учраши биринчи гуруҳда 4 нафар (12,5%) беморда, иккинчи гуруҳда 1 нафар беморда (3,3%) аниқланди. Учинчи гуруҳ беморларда эса касалликнинг қайта учраши аниқланмади. КТП нинг қайталаниши эҳтимол юқори нафас йўлларида сурункали яллиғланиш касалликларининг 1 ва 2-гуруҳларда кузатилганлиги ҳамда уларнинг тўлиқ тuzалмаганлиги билан боғлаш мумкин.

КТП нинг анамнези маълумотлари натижалари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

КТП анамнези маълумотлар таҳлили

КТП анамнези		1-гуруҳ беморлар (n 32)	2-гуруҳ беморлар (n 30)	3-гуруҳ беморлар (n 40)	Жами (n 102)
Касаллик бошланиши	1 ҳафта	17	13	27	57
	2 ҳафта	10	13	10	33
	3-4 ҳафта	5	4	3	12
Этиологик омиллар	ЎРК	26	21	6	53
	Совуқ қотиш	5	5	22	32
	Йўқ	1	4	12	17
Касаллик учраши	Биринчи марта	28	29	40	97
	Қайталаниш	4	1	-	5

Кўкрак қафаси рентгенологик текширишлар натижасида 1 ва 2-гуруҳларда асосан ўнг томонлама пневмония ҳамда илдиз олди пневмония (бронхопневмония)нинг кўплаб учраши юқори нафас йўллари инфекцияларининг тўғридан тўғри ўнг бронх орқали ўпка алвеолаларига тушиши натижасида яллиғланиш келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмас.

КТП билан оғриган беморларнинг кўкрак қафаси рентгенографиясини ўтказиш мажбурийдир (4-жадвал).

Кўкрак қафаси рентгенологик текшируви натижалари (n=102)

Белгилар	1-гурух беморлар (n 32)	2-гурух беморлар (n 30)	3-гурух беморлар (n 40)	Жами (n 102)
Икки томонлама пневмония	15	9	11	35
Ўнг томонлама пневмония	14	14	16	44
Чап томонлама пневмония	4	7	13	24
Икки томонлама илдиз олди пневмонияси	13	6	8	27
Ўнг томонлама илдиз олди пневмонияси	11	10	12	33
Чап томонлама илдиз олди пневмонияси	1	2	3	6
Икки томонлама пастки бўлак пневмонияси	2	3	3	8
Ўнг томонлама юқори бўлак пневмонияси	-	-	-	-
Ўнг томонлама ўрта бўлак пневмонияси	1	2	1	4
Ўнг томонлама пастки бўлак пневмонияси	2	2	3	7
Чап томонлама юқори бўлак пневмонияси	-	1	4	5
Чап томонлама пастки бўлак пневмонияси	3	4	6	13

Диссертациянинг «Юқори ва пастки нафас йўлларининг микробиологик текширув натижалари» деб номланган учинчи бобида ўтказилган микробиологик текширув натижалари таҳлил қилинган.

Юқори нафас йўллари (ЮНЙ)дан олинган суртмаларни текшириш натижасида 89 та (87,2%) беморда микрофлора ажратиб олинди, 13 та (12,7%) беморда ўсиш қайд этилмади. Ҳаммаси бўлиб 136 та микроорганизм аниқланди. Бурун бўшлиғи ва бурун-ҳалқумдан олинган суртмаларда аралаш флора 41 та (40,2%) беморда аниқланди, ассоциациядаги патогенларнинг максимал сони учтани ташкил этди. Граммусбат факултатив анаэроблар бактерияларнинг 95 та (69,8%) штамми аниқланди, уларнинг кўпчилиги Staphylococcus ва Streptococcus авлоди микроорганизмлари бўлди. 102 та бемордан пастки нафас йўлларида (ПНЙ) олинган балғам бактериологик текширилганда 103 микроорганизм аниқланди. Балғам экилмасидан микроорганизмларнинг ўсиши 77 та (75,5%) беморда кузатилди, 25 та (24,5%) беморда микроорганизмлар аниқланмади. Аралаш микрофлора 23 та (22,3%) беморда аниқланди, ассоциациядаги патогенларнинг максимал сони учтани ташкил этди. Граммусбат факултатив анаэроблардан 64 та (62,1%) бактериал штамм аниқланди, уларнинг кўпчилиги ЮНЙларидаги экилма натижалари сингари Staphylococcus ва Streptococcus авлодига мансуб микроорганизмлар

бўлди.

Бурун бўшлиғи ва бурун-ҳалқумдан ҳамда балғамдан олинган суртмаларни микробиологик текшириш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

**Беморлардан ажратиб олинган микроорганизм
штаммларининг сони (n = 102)**

Микроорганизмлар	Юқори нафас йўллари		Пастки нафас йўллари	
	Штаммлар сони	%	Штаммлар сони	%
<i>Streptococcus pneumoniae</i>	17	12,5	19	18,4
<i>Staphylococcus aureus</i>	21	15,4	9	8,7
<i>Streptococcus viridans</i>	18	13,2	8	7,7
<i>Staphylococcus epidermidis</i>	17	12,5	9	8,7
<i>Haemophilus influenzae</i>	14	10,3	9	9,7
<i>Streptococcus pyogenes</i>	5	3,6	11	9,7
<i>Klebsiella pneumoniae</i>	4	2,9	7	6,7
<i>Staphylococcus haemolyticus</i>	5	3,6	3	2,9
<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	3	2,2	-	-
<i>Proteus mirabilis</i>	2	1,5	-	-
<i>Escherichia coli</i>	2	1,5	9	8,7
<i>Enterococcus faecalis</i>	3	2,2	4	3,8
<i>Neisseria spp.</i>	4	2,9	-	-
<i>Moraxella catarrhalis</i>	-	-	2	1,9
<i>Staphylococcus saprophyticus</i>	5	3,6	1	1,1
<i>Candida spp.</i>	16	11,7	12	0,9
Жами:	136	100	103	100

Олдиндан танланган жуфт микроорганизмлар ўртасида бурун бўшлиғи ва бурун-ҳалқумдан олинган суртмада ва балғамда учраш частотасида СРС ва КТП касалликларининг асосий кўзгатувчиси ҳисобланган *Str.pneumoniae*да сезиларли фарқлар бўлмади, статистик қайта ишлаш маълумотлари 6-

жадвалда келтирилган.

6-жадвал

**Беморларнинг ЮНЙ ва ПНЙлари микрофлораларининг қиёсий
натижалари (n = 102)**

Микроорганизмлар	Юқори нафас йўллари		Пастки нафас йўллари		P
	штаммлар сони	%	штаммлар сони	%	
Str. pneumoniae	17	12,5	19	18,4	>0,05
H.influenzae	14	8,8	9	9,7	>0,05
St. aureus	21	15,4	9	8,7	>0,05
Str.pyogenes	5	3,6	11	9,7	>0,05

Текширилган беморларнинг уч хил гуруҳида Str. pneumoniae нинг ажратиб олиш частотасини таҳлил қилишда муҳим бир жиҳат қайд этилди. Шуниси эътиборга лойиқки, ўртача оғирликдаги синусит билан оғриган беморлар гуруҳида, яъни биринчи гуруҳда Str. pneumoniae 9 та (17,3%) беморда, иккинчи гуруҳда 4 та (11,6%), учинчисида 2 та (7,3%) беморда ажратиб олинди. Биринчи ва учинчи гуруҳ ўртасида статистик жиҳатдан ишонарли фарқлар қайд этилди ($p < 0,05$).

Кўп микроорганизмлар чидамлилигининг юқори частотаси химояланмаган пенициллинларга, 1-авлод цефалоспоринларига ва 2-авлод фторхинолонларига нисбатан кузатилди, аммо 2-авлод фторхинолонлари бошқа фторхинолонлар каби полирезистент стафилококкларга нисбатан танланган препаратлар ҳисобланади.

Ажратиб олинган кўзғатувчиларга нисбатан олган маълумотларимиз КТП ва ёндош СРС бўлган беморларда эмпирик антибиотиклар спектрини аниқлаш имконини беради. Ушбу мақсад учун оптимал препаратлар: амоксициллин/клавуланат, цефалоспоринларнинг 3-4 авлоди (цефиксим, цефотаксим, цефепим), макролидлар (klarитромицин), фторхинолонлар (левофлоксацин, моксифлоксацин) ҳисобланади.

Препаратни қабул қилиш усули ёки юбориш усули (оғиз орқали ёки парентерал) ва максимал даражада соддалаштирилган қабул схемасини ҳисобга олган ҳолда, бир марта қабул қилиш имкони бўлган перорал препаратларни қўллаш мақсадга мувофиқдир, буларга klarитромицин, цефиксим, моксифлоксацин, левофлоксацин киради.

Кўп жиҳатдан, КТП ва СРС кечишини эмпирик даволаш учун антибиотикларни танлашимиз қулай дозалаш режими, қабул қилиш усули ва оптимал сезгирлик спектри билан боғлиқ бўлди.

Асосий кўзғатувчиларнинг антибиотикларга сезгирлиги 7-жадвалда келтирилган.

**Микроорганизмларнинг антибактериал препаратларга нисбатан
фоизда ифодаланган сезгирлиги**

	Streptococcus pneumoniae	Haemophilus influenza	Streptococcus pyogenes	Staphylococcus aureus	Streptococcus viridans
Ампициллин	66,6	57,8	64,2	69,4	69,2
Ампициллин/ сульбактам	77,8	78,9	85,7	80,5	84,6
Амоксициллина/ клавуланат	83,3	89,4	92,8	83,3	76,9
Цефазолин	55,5	63,1	57,1	61,1	65,3
Цефтриаксон	80,5	78,9	85,7	72,2	88,4
Цефоперазон	88,8	94,7	92,8	86,1	92,3
Цефотаксим	86,1	89,4	85,7	88,8	92,3
Амикацин	75,0	63,1	78,5	80,5	76,9
Тетрациклин	69,4	68,4	71,4	72,2	73,0
Азитромицин	77,8	73,3	64,2	80,5	80,7
Рокситромицин	83,3	78,9	85,7	77,8	80,7
Ципрофлоксацин	69,4	73,3	71,4	75,0	73,0
Левифлоксацин	91,6	94,7	100	91,6	100
Офлоксацин	94,4	100	100	94,4	96,1

КТП ва СРС касалликларининг асосий кўзгатувчиси Streptococcus pneumoniae бўлганлиги учун ушбу микроорганизмнинг бурун ва бурун-ҳалқумда қанчалик даражада учрашини аниқланиш мақсадиди ЮНИ дан олинган суртмалар ПЗР текширув усулида ҳам текширилди. 102 та бемордан Streptococcus pneumoniae бурун бўшлиғи ва бурун-ҳалқумдан олинган суртмада микробиологик усулда 17 нафар (16,7%) беморда учраган бўлса, ПЗР ташхислаш усули натижасида 31 та беморда (30,4%) аниқланди бу эса шартли-

патоген микрофлораларнинг юқори нафас йўлларида коллонизациясидан дарак беради (8-жадвал).

8-жадвал

Бурун ва бурун-ҳалқум суртмаларида *Streptococcus pneumoniae* ни микробиологик ва ПЗР усулда аниқлаш натижалари

Текширув усуллари	1-гурух беморлар	2-гурух беморлар	3-гурух беморлар
Микробиологик текширув усули	9 (28,1%)	5 (16,7%)	3 (7,5%)
ПЗР текширув усули	13 (40,6%)	9 (30,0%)	9 (22,5%)

КТП ва СРС касалликларининг ПЦР ташхислаш усулининг микробиологик экма усулига нисбатан мукамаллиги яъни ўлган микроорганизмларнинг генларини ҳам аниқлаш имкони мавжудлиги сабабли бурун бўшлиғи ва бурун-ҳалқум суртмасида жуда кўп ҳолларда *Streptococcus pneumoniae* аниқланди, шу сабабли ҳам КТПнинг ташхислаш ва даволаш алгоритмини яратишда ушбу усулни микробиологик экма усулига қўшимча равишда қўллаш КТПни эрта ташхислаш ва самарали даволашга имкон беради.

Шундай қилиб, микробиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, одатда, КТП билан оғриган беморларда ЮНЙ ва ПНЙдаги флора деярли бир хил деган ҳулосага келиш мумкин, танланган энг эҳтимоли юқори бўлган қўзғатувчиларда статистик жиҳатдан ишонарли фарқлар аниқланмади. Микроорганизмларнинг антибиотикларга нисбатан сезгирлигига қараб, амалиётчи шифокорлар ҳали ҳам жуда катта таъсирга эга бўлган антибиотиклар жамланмасига эга, аммо ривожланиш жараёни натижасида аввалги дориларга нисбатан чидамлилиқнинг аниқланиши шифокорларни улардан оқилона фойдаланишга ундаши керак.


Ўтказилган микробиологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, КТП билан оғриган беморларда бурун ва бурун-ҳалқум ҳамда балғамнинг микробли манзараси деярли бир хил. КТП билан оғриган беморларда (1-гурух, n=32) СРС кечишининг асосий қўзғатувчилари *Streptococcus pneumoniae* (28,1%), *H.influenzae* (18,7%) ҳисобланади. КТП билан оғриган беморларда ремиссия пайтида ёки СРСнинг яширин даврида (2 ва 3 гуруҳлар) бурун ва БЁБ лари ажралмасида *Streptococcus pneumoniae*, *H.influenzae* (24,2%) (n=70) аниқланди, бу эса юқори нафас йўлларида шартли-патоген микрофлоранинг коллонизациясидан далолат беради.

Диссертациянинг «Касалхонадан ташқари пневмония ва сурункали риносинуситли беморларни ташхислаш ва даволаш хусусиятларининг таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида сурункали риносинусит касаллиги билан оғриган беморларни текширув ҳамда даволаш натижалари таҳлил қилинган.

Ўрта оғир ва оғир даражали сурункали риносинусит аниқланган касалхонадан ташқари пневмонияли беморларни текшириш ва даволаш натижалари.

Антибактериал терапия сифатида цефалоспоринлар (3-4-авлод) ва фторхинолонлар (2-3-авлод) гуруҳига мансуб бўлган препаратлар, интраназал маҳаллий глюкокортикостероидлар (мометазон фууроат таркиби бўлган форинекс дори воситаси 2та дозадан хар бир бурун катагига 2маҳал 20 кун давомида), секретолитиклар (ацетилцистеин таркибли АЦЦ 200мг 1 таблеткадан 3 маҳал 10 кун давомида), антигистамин препаратлар (эриус 5 мг 1 таблеткадан 1 маҳал 10 кун), стерил изотоник денгиз суви эритмаси билан бурунни санациялашдан иборат бўлган комбинацияланган даво олган, клиник ўрта ва оғир даражадаги СРС ва КТП билан оғриган беморлар гуруҳи 32 нафардан иборат бўлди. Кузатувимиздаги беморларни ташхислаш ва даволаш тадбирларини белгилашда III бобда батафсил қайд қилинган беморлардан олинган суртмаларни бактериалогик текшириб, микроблар тури аниқланиб, уларнинг антибиотикларга сезгирлик даража кўрсаткичларини инобатга олиб даволаш муолажасига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилди.

32 нафар беморнинг 30 нафариди (93,7%) ЛОР органларининг ёндош касалликлари аниқланди (3-расм).



3-расм. 1-гуруҳ беморларининг ЛОР аъзоларининг ёндош касалликлари.

Субъектив ва объектив (олдинги риноскопия) текшириш усуллари.

1-гуруҳдаги барча беморларда текширувда СРСга хос бўлган шикоятлар, масалан, бурун орқали нафас олишнинг қийинлашиши, бурундан ажралмалар ажралаши, бош оғриғи, гипосмия ёки аносмия (ҳид билишнинг зараланиши), шунингдек СРСнинг объектив клиник белгилари: бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг гиперемияси, бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг шиши, бурун бўшлиғи йўлларида ажралмалар, БЕБ проекциясини палпация қилишда оғриқ аниқланди.

Комплекс даволаш натижасида барча беморларда субъектив шикоятларнинг намоён бўлиш даражаси пасайди, олинган маълумотлар 9-жадвалда ифодаланган.

1-гурух беморлар субъектив шикоятлари кўрсаткичларининг динамикаси(n=32), (M±n)

Кунлар	Бурун орқали нафас олишнинг қийинлашиши	Бурундан ажралмалар ажралиши	Бош оғриғи	Гипосмия
1 кун	5,7±0,3	5,4±0,3	5,5±0,2	2,5±0,6
3 кун	4,6±0,2	4,5±0,2	3,9±0,2	2,5±0,5
10 кун	2,5±0,4	1,7±0,3	1,0±0,3	1,5±0,5
30 кун	1,6±0,3	1,2±0,2	0,6±0,2	1,1±0,4
90 кун	2,4±0,3	1,7±0,2	0,8±0,2	1,2±0,4

Ушбу гуруҳдаги барча беморларда бурун орқали нафас олиш (бурун битиши) ҳар хил даражадаги бузилишлар рўй берган.

Ўтказилган даволаш натижасида антибиотикли давонинг охириги (10-кун) кунда барча беморларда бурун орқали нафас олиш тикланиши, барча беморлар ушбу клиник симптомларнинг ортга қайтганини аниқланди. Субъектив баҳолашда 11 нафар (34,4%) беморда бурун орқали нафас олиш тўлиқ тикланди. Кейинчалик (30-кун), 16 нафар (50,0%) беморда бурун орқали нафас олишнинг қийинлашиш шикояти қайд этилмади. Тадқиқотнинг 10-кунига келиб бурун бўшлиғидаги ажралма миқдорининг сезиларли даражада камайиши қайд этилди. Барча беморлар ажралма табиати шиллиқли-йиринглидан шиллиқлига ўзгарганлигини ёки бутунлай тўхтаганалиги кузатилди.

Даволашнинг 10-кунига келиб ўтказилаётган даволаш натижасида СРС объектив симптомларининг ижобий динамикаси ҳам барча беморларда қайд этилди. Бурун бўшлиғи текширувидан, яъни риноэндоскопиядан сўнг, олинган маълумотлар 10-жадвалда ифодаланган.

1-гурух беморларда СРСнинг объектив симптомлари кўрсаткичлари динамикаси(n=32), (M±n)

Кунлар	Бурун бўшлиғи шиллиқ қавати қизариши	Бурун бўшлиғи шиллиқ қавати шиши	Бурун бўшлиғидаги ажралмалар	БЁБ проекцияси пальпациясида оғриқ
1 кун	6,2±0,4	6,1±0,4	5,4±0,4	2,3±0,6
3 кун	4,8±0,3	4,8±0,3	4,5±0,3	1,5±0,4
10 кун	1,8±0,3	1,7±0,3	1,4±0,2	0,1±0,1
30 кун	1,2±0,3	1,1±0,2	0,9±0,2	0,0±0,0
90 кун	1,9±0,2	1,7±0,2	1,3±0,2	0,0±0,0

Объектив симптомларнинг динамикаси бурун шиллиқ қаватининг қизариши ва шиши, патологик ажралмаларнинг мавжудлиги ва БЁБ проекцияси палпациясида оғриқ бўлиши каби маҳаллий яллиғланиш

белгиларининг миқдори ва намоён бўлишининг камайиши билан тавсифланди.

Бурун бўшлиғи функционал текширув натижалари. 1-гурухдаги 32 нафар беморларда мукоцилиар транспортнинг функциясини стандарт сахаринли тест ёрдамида ўтказилди. Олинган кўрсаткичларни таққослаш учун амалий соғлом бўлган 40 нафар шахсларни текширувдан ўтказдик. Соғлом шахсларда сахарин қўйилганидан бошлаб оғизда ширин таъм пайдо бўлгунча кетган вақт 7 дақиқадан 12 дақиқачачани ташкил қилди. Олиб борилган текширувнинг натижалари 11-жадвалда кўрсатилган.

11-жадвал


Текширувдан ўтказилган беморларда бурун бўшлиғининг функционал текширув натижалари

Текширув	1 гуруҳ беморлари, n=32	Назорат гуруҳи, n=40
Мукоцилиар клиренс, дак.	23,5±0,8	11,8±1,3
Қорачиқ реакцияси вақти, мин	71,23±5,4	43,4±0,5
Пахтали шарик массаси, мг	47,32±0,7	40,5±0,08

Қорачиқ реакцияси вақти 1 гуруҳда ўртача 71,23±5,4 дақиқани ташкил қилди. Олинган маълумотлардан СРС билан оғриган беморларда бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг сўриш функцияси бузилганлиги аниқланди.

1-гурух беморларда шариклар массаси ўртача 47,32±0,7 мг ни ташкил қилган. Текширувлар шуни кўрсатдики, беморларда бурун бўшлиғининг шиллиқ қаватида транспорт функцияси бузилади, рН ўзгаради, сўриш функцияси узаяди, ажратиш функциясининг ошиши ҳисобига секретор фаоллик ошади. Бурун бўшлиғи шиллиқ қавати ажратиш функциясининг кўрсаткичи ёки секретор фаоллик СРС билан оғриган беморларда ошади. Бу шиллиқ ва қадахсимон безларининг гиперпродукциясидан дарак беради, бунда хилпилловчи эпителий ва лизоцим фаоллигининг функциясига таъсир кўрсатиб, бурун шиллиғининг ҳимоя воситаларини аҳамиятли даражада таъминлайди.

Бурун бўшлиғи эндоскопияси. Барча беморларга СРС келиб чиқишига сабаб бўлувчи бурун бўшлиғининг микроанатомик тузулмаларини аниқлаш мақсадида бурун бўшлиғи эндоскопик текшируви ўтказилди. Натижалар қўйидаги 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Бурун бўшлиғи эндоскопик текширув натижалари

БТҚ 1 гуруҳдаги барча беморларда бурун бўшлиғи шиллик қаватининг қизариши, шиши, патологик ажралмалар мавжудлиги кузатилди (5-расм). 14 (43,75%) нафар беморларда, вазомотор ринит 11 (34,4%) нафар беморларда, пастки бурун чиғаноғининг каталашиши 6 (18,75%) нафар беморларда аниқланди. Шунингдек, ўрта бурун чиғаноғининг буллез гипертрофияси 2 (6,25%) нафар беморларда, илгаксимон ўсиқ гипертрофияси 2 (6,25%) нафар беморда ва бурун бўшлиғидаги полипозли ўзгарганлиги 1 (3,1%) нафар беморда кузатилиб, улар олдинги гуруҳ БЎБ лари табиий тешикларини қисман ва тўлиқ тўсиб қўйганлиги аниқланди (6-расм). Бурун тўсиғининг қийшайишлари турли хил шаклларда учради.



5-расм. Бемор Ф. 39 ёш. Бурун бўшлиғининг эндоскопиядаги манзараси. Чап бурун умумий йўлида йирингли ажралмалар.




